



ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

1994 йил 14 май

№ 417-К

Жамоа, давлат ва ижара хўжаликларининг ички қурилишлари учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонунининг 12 моддасига асосан жамоа, давлат ва ижара хўжаликларининг ички қурилишлари учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Булунгур, Нарпай, Паст Дарғом, Ургут, Самарқанд туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Булунгур, Нарпай, Паст Дарғом, Ургут, Самарқанд туман ҳокимларининг жамоа, давлат ва ижара хўжаликларининг ички қурилишлари учун ер майдонини ажратиш тўғрисида қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Булунгур, Нарпай, Паст Дарғом, Ургут, Самарқанд тумани ҳокимларига жамоа, давлат ва ижара хўжаликларининг ички қурилишлари учун қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳисобидан ажратилган ерларни янги ер очиш ҳисобига қоплаш тадбирларини кўриш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси /ўртоқ Р. Ғуломов/ га топширилсин.

Вилоят ҲОКИМИ



*П. М. Абдурахмонов*

П. М. Абдурахмонов